

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил 26 июль

Нукус шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси М.Бекимбетовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Джуманиязованинг котибалигида, давлат айбловчиси Нукус шаҳар прокурори ёрдамчиси Г.Ибрагимова, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳимоячи адвокати М.Бабаназаров иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг суд мажлиси залида, дастлабки тергов томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган ХХХХга оид 1-2301-2202/306 (354011/2022-1580V)-сонли жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

ХХХХ 29.06.1994 йилда ХХХХ туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати қорақалпоқ, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, партия сафида йўқ, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотларини олмаган, ногирон эмас, муқаддам судланмаган, ХХХХ тумани ХХХХ ОФЙ яшайди, 2022 йил 29 май кунидан бошлаб шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини қонуний муддат ичида олган.

Суд - суд мажлисида судланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музоқора сўзларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш материалларини ўрганиб ва уларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХ 2022 йил 5 май куни, фуқаро ХХХ тегишли бўлган, Нукус шаҳри ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонидан, осон йўл билан пул топиш мақсадида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб 50.000 (эллик минг) сўм миқдордаги пул эвазига, фуқаро ХХХХ билан М.Шамшадиноваларнинг жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб бериб қўшмачилик қилган.

Судланувчи ХХХХ ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи ХХХХ судда айбига қисман иқрорлик билдириб, 2022 йил 5 май куни, фуқаро ХХХХга тегишли эканлигини, Нукус шаҳри ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонидан, ушбу уйни 50.000 (эллик минг) сўм миқдордаги пул эвазига, ХХХХ билан Минайханларга жинсий алоқада бўлишлари учун уйга киритганини, қилмишидан пушаймонлиги, ишсизлигини, талаба эканини, шу пайтлари ижтимоий жиҳатдан қийналгани сабабли мазкур жиноятни содир қилгани, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўсатув берди.

Судланувчи ХХХХнинг айби, ўзининг айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари қўйидаги далиллар билан ҳам исботланади.

Суд мажлисида гувоҳХХХ, 2022 йил 5 май куни гаплашиб юрган йигити ХХХХ билан ўзига қўнғироқ қилиб, ўзи билан жинсий алоқада бўлмоқчилигини ва жинсий алоқада бўлиш учун квартира борлигини, квартира эгаси билан гаплашиб кўришини айтганлигини, шу билан ХХХХ билан 2022 йил 5 май куни Нукус шаҳар ХХХХ тумани яшовчи ХХХХ исмли фуқаронинг квартирасига бориб, ХХХХ ХХХХ билан телефонда гаплашиб унга юрган қизи билан жинсий алоқада бўлмоқчилигини айтганида, у соатига 50 000 сўм бўлишини айтганлигини, шу билан ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонига олиб борганлигини, сўнг ХХХХ квартира учун 50 000 сўм пулларни олиб уйдан чиқиб кетганлигини, орадан 20-30 дақиқа ўтиб ушбу хонадонга ИИО ходимлари кириб келганларини кейин ҳаммаси ИИБга борганлигини шу ерда ўзи тушунтириш хати ёзиб берганлигини, айтиб берган кўрсатуви билан;

Судланувчи ХХХХнинг айби юқоридагилардан ташқари, ИИО ходимларининг билдиргиси, ХХХХнинг аризаси, пул тақдим қилиш ҳақидаги баённома, дастлабки тушунтириш хатлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомалари, дастлабки терговда сўроқ қилинган ва кўрсатувлари, суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳлар кўрсатувларини, ашёвий далил тариқасида олинган пулни тадбирда фойдаланиш учун бериш баённомаси ва ашёвий далилни олиш ва текшириб кўриш тўғрисида баённома билан ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Дастлабки тергов органи томонидан ХХХХнинг жинойй ҳаракатларини ЖКнинг 131-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиниб хатоликка йўл қўйилган деб ҳисоблайди.

Чунки, ХХХХ ўзи яшамайдиган жойда осон йўл билан пул топиш мақсадида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб 50.000 сўм миқдордаги пул эвазига фуқаролар ХХХХ билан М.Шамшадиноваларни ўзининг таниши бўлган фуқаро ХХХХга тегишли Нукус шаҳри ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонда жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб беришда ифодаланган ҳаракатларида фоҳишахона ташкил этиш ва сақлаш каби жинойй ҳаракат аломатлари кўринмайди.

Судланувчи ХХХХ Нукус шаҳри ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонда 50.000 сўм пул эвазига фуқаролар ХХХХ билан М.Шамшадиновалар жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берган, аммо мазкур уйда фоҳишахона ташкил этиш ва сақлаш каби мақсадда ташкил этилмаган ва бундай ҳаракатлар амалга оширилмаган, бундан ташқари судланувчи ХХХХ ўзи илгари Нукус шаҳри ХХХХ тумани 6-б-уй 3-хонадонда яшамаган ва шу уйнинг эгаси эмаслиги аниқланди.

Шу сабабли суд, судланувчи ХХХХнинг ўзи яшамайдиган жойда осон йўл билан пул топиш мақсадида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб 50.000 сўм миқдордаги пул эвазига фуқаролар ХХХХ билан М.Шамшадиноваларни ўзининг таниши бўлган фуқаро ХХХХга тегишли

бўлган Нукус шаҳри 21-кичик тумани 6-б-уй 3-хонадонда жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб беришда ифодаланган ҳаракатларида ЖКнинг 131-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жинсий аломатлар мавжуд деган қатъий хулоса келган ҳолда унинг жинсий ҳаракатларини ЖКнинг 131-моддасининг 2-қисмидан ЖКнинг 131-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддаси 1-қисмида, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилганлик учун жинсий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича: “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида: “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55,56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи ХХХХ жазо тури ва меъёрини тайинлашда, унинг содир этилган жиноятнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари йўқ деб баҳолаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, ёшлигини, ишсизлигини, муқаддам судланмаганлигини ва ижтимоий жиҳатдан қийналгани сабабли мазкур жиноятни содир қилгани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолашни, шунингдек жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, 131-моддаси

1-қисми санкцияси назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи ХХХХга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси бекор қилишни; иш бўйича 1-дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни; судланувчи ХХХХдан иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Тергов бошқармаси “Хамкорбанк” АТБ Нукус шаҳар филиалидаги ҳисоб варақасида сақлашда турган 50.000 сўм пулларни давлат фойдасига ўтказишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўлланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи ХХХХ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи ХХХХ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақисининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш йўли билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи ХХХХ тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ХХХХ тумани ИИБ пробаця гуруҳи томонидан белгилаб берадиган жойда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда ишлаб бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ХХХХ тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш ХХХХ тумани ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи ХХХХга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича 1-дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Судланувчи ХХХХдан иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси “Хамкорбанк” АТБ Нукус шаҳар филиалидаги ҳисоб варақасида сақлашда турган 50.000 сўм пулларни давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмга норози томон 20 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига апелляция тартибида ариза беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

М.Бекимбетов